

7. Зияева Д.Х. Тошкент шахрининг тарихий обидалари ва замонавий тузилиши. // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. (8-китоб. Тўплам) Т. 2016.-Б. 24-25.

8. Маълумотлар муаллифнинг шаҳар маҳаллаларида олиб борган изланишлари жараёнида тўпланган.

9. Маълумотлар Тошкент шаҳри ҳокимлигида олиб борилган суҳбатлар жараёнида олинди.

10. Маҳаллаларни бундай таснифлаш муаллифнинг Тошкент шаҳри маҳаллаларида олиб борган тадқиқотлари жараёнида амалга оширилди.

11. <https://lex.uz/docs/5094720>.

МЎҒУЛ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН МОВАРОУННАХР ШАҲАРЛАРИ ЭҒАЛЛАНИШИ

Қаюмов Алишер Тожиевич,
Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Тарихчи олимлар томонидан Чингизхон империясининг босқинчилик ҳаракати Мавороуннахр аҳолиси ҳаётига салбий таъсир кўрсатган оқибатлари, унинг натижалар ҳамда ўзбек элатини ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига, тил ва адабий муҳитига жиддий кучли зарба берганлигини таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Чингизхон, Хоразмшоҳ, Иналчукхон, Ўтрор эгалланиши, савдо карвони, босқинчилик ҳаракатлари, баржа, оммавий қатл.

Аннотация: Историки проанализировали последствия вторжения империи Чингисхана, которое оказало негативное влияние на жизнь жителей Маворуннахра, его результаты, а также то, что оно оказало серьезное влияние на социально-экономическую и культурную жизнь, языковая и литературная среда узбекского народа.

Ключевые слова: Чингисхан, Хорезмшах, Иналчук-хан, оккупация Ўтрора, торговый караван, вторжение, баржа, массовый расстрел.

Abstract: Historians have analyzed the consequences of the invasion of Genghis Khan's empire that had a negative impact on the lives of the people of Mavorunnahr, its results and the fact that it had a serious impact on the socio-economic and cultural life, language and literary environment of the Uzbek population.

Key words: Genghis Khan, Khorezm Shah, Inalchuk Khan, occupation of O'tror, trade caravan, invasion efforts, barge, mass execution.

Чингизхон томонидан Ўрта Осиёга жўнатилган савдо карвони[1] билан элчиларидан фақат битта элчи Ўтрор шаҳаридан омон қочиб қутилади. Ўтрор ҳокими Ғайирхон (Иналчиқхон) томонидан карвон (Ғайир –хон – тюркский вариант арабского слово Кадир-хан (“Могущественный хан”) томонидан талон-тарож қилиниб, ҳамма оммавий қатл этилганлигидан хабардор бўлган Чингизхон ғазаб отига минади.

Иналчукхон (Ғойирхон) Муҳаммад Хоразмшоҳнинг[2;С.60-61] талаби биланми, ё ўз истаги биланми бу қатлни амалга оширди. Бу саволга жавобни ўша даврнинг замондош тарихчиси Нисавидан топамиз: яъни “Иналчукхон, Хоразмшоҳнинг тоғасининг ўғли бўлиб”, (Со стороны матери Теркен-хатун) у Ўтрорда Муҳаммад Оловиддиннинг энг ишончли вакили эди. Иналчукхон ихтиёрида 20 минг отлик кўшин бўлиб, жуда ҳам разил пасткаш инсон сифатида манбаларда баён этилади. У худудидан ўтган савдо карвонларига хужум қилиб, ундаги бой маҳсулотларга эгалик қилиш жону дили бўлган.

Иналчукхон, Хоразмшоҳ Султонга ёлғон билан суғорилган хат юборади, у ушбу

хатида, Ўтрорга келган савдогар кўринишидаги одамлар, аслида савдогарлар эмас, улар асли оддий халқдан бўлиб, савдосотиқ ишларини умуман тушинмайдиганлар бўлиб, ўз касбкорларига таълуқли бўлмаган маълумотлар йиғиш билан қизиқишмоқда деган маълумотлар олдим, яъни ушбу савдогар Ўтрордаги халққа, “Сизлар бепарвосизлар ва яқин орада Сизларга шундай ҳалокат келадики, ҳеч бир жонзот унга қарши тура олмайди. Иналчукхон бу бадбахт одамларга қарши юқоридаги айбловларни илгари суриб, Хоразмшоҳни огоҳлантиради. Ўз ўрнида Султон Иналчукхонга улардан эҳтиёт бўлишни ва ҳақиқий ҳолатларга аниқлик киритиш учун сўроқ қилишни буюради. Ушбу топшириқни олиб Иналчукхон ҳамма савдогар, элчиларни қулга олади. Шундан кейин улар изсиз йўқолади, олиб келинган буюмлар олиб кўйилади”[3;С.337].

Рашид-ид-дин ва Жувойнилар ўз эслатмаларида эса, савдогарлар Иналчукхон томонидан “**жосус**” деб эмас, балки савдогарлардан бири (ҳинд савдогари) ҳурматсизлик қилган ҳамда савдогарларнинг маҳсулотига эғалик қилиш мақсадида, қилинган ҳаракат эди дейилади. Ушбу муалифлар Чингизийларнинг тарихга оид воқеликларини фақат бир ёқлама ёритишади. Нисави ҳам ҳақиқатдан, Иналчукхонни ҳатти-ҳаракатларида очкўзлик аломатлари бор деб тушунтириб, гарчи у савдогарларни “**жосус**”лик ва ваҳима ичида айблаган бўлса ҳамда у бу айбловни ёлғон деб билади.

Нисави 1221-1231 йилларда Хоразмшоҳ Жалоллиддиннинг саройдаги котиб бўлиб, у ўз хўжайни билан бирга Туркон хотунга[4;С.57] қарши душманларча муносабатда бўлиб, айбни Туркон хотун гуруҳига ва айнан унинг суюкли жияни Иналчукхонга кўйишга ҳаракат қилди. Бизнинг тарихий таҳлилларимиз ҳамда манбаларни ўрганиш жараёнидаги фикрларимизга асосланиб қуйидаги фикрни тақдим этамиз, яъни Иналчукхоннинг Мўғулистондан Ўтрорга келган савдо карвонидаги савдогарларига қарши айбловлари асоссиз эди. Нисави ҳикоясидан шулар маълумотлар аниқ бўлдики,

Иналчукхон, савдо карвони савдогарларини, “Ўтрор аҳолисини бошига яқинлашиб келаётган офат билан қурқитганлигини, яъни Мўғуллар босқинини айтганликда айблайди”. Шулар аниқки, қаршилик қилиш истагини қондириш учун “омма орасида ваҳима кўзғаш” Чингизхоннинг бирор давлатга босқинчилик юришидан олдинги сеvimли усулларида бири эди.

“Форс “шеър тузиш” китоби муаллифи Муҳаммад ибн Қайс Розининг қайд этиб қолдирган сўзларига эътибор берсак, Чингизхон, Хоразмшоҳ Муҳаммадга қарши уруш эълон қилишдан олдин, Ўрта Осиё шаҳарларида Мўғул-татарларнинг даҳшатли босқини ҳақида қоронғу миш-мишлар бўлиб, ваҳимага тушган кўплаб одамлар Ғарбга қочиб кетишган. Ҳаттоки, Розийнинг ўзи ҳам Форс ўлкасига[5] қочиб ўтишга мажбур бўлади. Бу миш-мишлар Чингизхоннинг Ўрта Осиёдаги махфий жосуслари томонидан уюштирилиб, бундай махфий жосусларининг асосий қисмини маҳаллий савдогарлар ташкил этарди.

Нисави ва Розининг юқоридаги хабарларини таққослаб, Ўтрорга келган савдогарлар ваҳима миш-мишларни тарқатиб, Чингизхоннинг вазифасини бажардилар, деган хулосага келишимиз мумкин. Демак, Ўтрорга ташриф буюрган савдогарлар тўдаси ҳақиқатдан ҳамда – “жосус” ликда айбланиши тарихий ҳақиқат ҳисобланади.

Энди-бу савдогарлар ким эди? В.В.Бартольд, Жувойни маълумотларига асосланиб, шундай ёзади, ушбу савдогарлар, Ўрта Осиёлик миллати ва ўзлари бўлиб, Ислом динига эътиқод қилувчилардир, ушбу савдогарлар Мўғулистонга қисқа муддатли сафардан қайтгандир. Шу ерда, Бартольд, Жувойни томонидан келтирилган кичик лекин жуда муҳим манбага эътибор қаратмайди. Жувойни шундай маълумот қолдиради; “Ушбу савдогарлар қайтганларидан кейин[6] Чингизхон амри ила, ўғиллари ва қўл остидаги амирлардан ва ҳарбий лашкарбошиларида[7] ўзларига тегишли бўлган қавмдаги қабиладошларидан 2-3 тадан савдогарларни ёллаб, уларга олтин болиш[8]. ва кумуш қуймалари тақдим

этилиб, Хоразмшоҳ Муҳаммад давлатига юборилади. Мақсад ушбу берилган олтин, кумушларга ўша давлат худудидан қиммат ва ноёб моллар олиб қайтишга амр қилинади. Ушбу амрга биноан ҳар бир киши биттадан - иккитагача одамларини ўз қабиласидан (қавм) жўнатишди”[9;С.60].

Ушбу савдо қарвонидагиларга, Хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатидан бориб қимматбаҳо моллар сотиб олиш топшириғидан ташқари, ушбу юртдаги аҳоли яшаш тарзи, уларнинг Султонига бўлган муносабатлари, ҳам энг асосийси Султон қушинларининг ҳарбий салоҳияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш юклатилган эди.

Шундан келиб чиқиб, Иналчукхон (Ғойирхон) савдогарларга қўйган айби ўз тасдиғини топади. Энди шундай савол туғилади, нима учун Иналчукхон айнан шу Мўғулистондан келган савдо қарвондагиларга нисбатан разиллик йўлини тутди, нима учун ушбу қарвондагилар аёвсиз калтакланди? Унинг бу ҳаракати мусулмон давлатларида кам учрайдиган ҳолат эди.

Нега айнан Иналчукхон (Ғойирхон) олдин келган савдо қарвонларига нисбатан ўз разиллигини ва очкўзликларини кўрсатмади? Бунинг изоҳини ушбу савдо қарвонининг ғайри оддий таркиби ва ғайри оддий ҳатти-ҳаракатларида аниқ излаш керак бўлади.

Тарихчи олим Нисави шундай ёзади, элчилар 2-марта Хоразмшоҳ Султонни олдиға 1218 йилнинг иккинчи ярмида ташриф буюришиб, Иналчукхонни (Ғойирхон) уларга топширишларини ва бу йўл билан тинчлик сақланади деган талабидан Хоразмшоҳ шошиб, кўрқиб қолади. “Унда кўркув шунчалик кучли бўладики, кўркувдан ҳаттоки юрагига тушди”,—Хоразмшоҳни нега шундай кўркув босганидан кейин ҳам, у Чингизхонни талабини бажармади? Нисавининг маълумотича, “Султон, Иналчукхонни, Чингизхонга бериб юборолмасди. Чунки, Иналчукхон (Ғойирхон)[10;С.52] унинг онаси томондан аммакиваччаси эди. Уни элчилар қўлиға топширишни бутун уруғ аймағига бўлган ҳақорат деб тушунади. Шунинг учун ҳам, Иналчукхонни топшириш

жуда ҳам қийин масала эди. Чунки, у кучли ҳимояланган қалъада, бундан ташқари қўл остида 20 мингта яхши қуролланган отлик суворийлари бор эди. У жуда кучли қаршилиқ кўрсатиши мумкин эди, ҳамда саройдаги қўпчилик аёнлар уни ҳимоя қилиб чиқарди. Шундан келиб чиқиб, Хоразмшоҳ фақат рад жавобини беради. Нисавий яна қуйидаги тарихий маълумотларни тақдим этади, агарда Хоразмшоҳ элчиларга шу рад жавобини бериб қўйиб юборса, Чингизхонга илтифот кўрсатган бўлади ва у яна кучлироқ талабларни ўртаға ташлашидан кўрқиб, ҳеч қандай гуноҳи йўқ, элчиларни қатл қилишни амр қилади, шундай қилмаса уруш бўлиши аниқ деган фикрга келади.

Бухоро ва Самарқандни маҳаллий диний раҳномалар, сотқин савдогарлар, маҳаллий задогонлар хоинларча йўл тутиб, Мўғул босқинчиларига топшириш ҳамда халқни қийноқ-азоблардан, талон-тароҷлардан ва оммавий қатл ва тирик қолган аҳолини қулликдан ҳар доим ҳамда сақлаб қолмаслиғи ҳудуддаги маҳаллий аҳолиға маълум эди. Қайси шаҳар ва туманлар забт этилган бўлсада ҳаммасида худди шу ҳолатлар такрорланарди. Нисавийнинг маълумотиға кўра, агар ҳамма бўлиб ўтган воқеиликлар қандай содир бўлган бўлса тўлиғинча ҳикоя қилинса, ҳолат бир хил такрорланар фақат унинг иштироқчи лашкарбошилари исмлари ва қалъалар номлари ҳар хил бўлиши мумкин[11;С.82]. Олиб борилган илмий тадқиқотлар тўпланган маълумотлар асосида Хўжанд шаҳар мудофааси тўғрисида алоҳида тарихий ҳолисона таҳлилға таяниб ўзининг мардоновар ва довюракларча шаҳар мудофаасиға эътибор қаратилди.

Мўғуллар отрядлари Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб, босқинчилик ҳаракатларини давом эттиришиб, улар йўлларида дуч келган Фенакет[12;С.70-71]ни забт этишиб, унинг аҳолисини қириб ташлашади ва Хўжандға яқинлашишади. Хўжанд шаҳрини Темур Малик унча кўп бўлмаган қўшин билан ҳимоясига отланган эди. Ўша замоннинг тарихчи олими Жувойни сўзларига кўра, “бу шундай кўрқмас, ботир, эдики, “Шоҳнома” даги Рустам паҳловон агар унинг даврида

яшаганида, фақат у бу азаматни жиловлаши мумкин эди”. Шаҳарни Мўғуллардан ҳимоя қилиш учун кучлари тугаб, лекин минглаб қолган аскарлари душманга бош эгишни ҳохламаганини сезган Темур Малик жангчиларини олиб, Сирдарёнинг икки қўлтиғи орасида жойлашган кичик оролчадаги қалъага кечиб ўтишади. Душманнинг узоққа тош отадиган қуролларининг зарбалари бу ерга етиб келолмасди. Мўғуллар, ушбу қалъани ишғол ўзиш учун 20 минг жангчи ва 50 мингта ёш йигитлардан ташкил топган “тўда” (Утрор, Бухоро, Самарқанддан асир олинганлар) ни жанг майдонига ташлади. Ушбу ёш бақувват йигитлар асосан дарёдан 20 км ўзоқликдаги тоғлардан тошлар ташиб, дарёни йўлини тўзиб тўғон қуриш буюрилганди. Аммо, Темур Малик ҳам анойиларданмасди, у пишиқ қуруқ кигизларни уксусли лойга ботирилган ҳолда устки қисмидан, 12 та баржа (у дарёда ўзи ҳаракатланадиган ясси кема) ни ясоттирди ва уларни бир-бирига маҳкамлатиб, тайёрлатиб қўйди. Ушбу баржалар душман томонидан баллиста орқали ёғдирилаётган нефтга тўйинган ёнувчан снарядларга тўсиқ эди. Тунгги вақтда Темур Малик одамлари билан баржага ўтириб, душман томонидан дарёга қурилган дамбани маълум қисмини бузишни уддасидан чиқарди. Лекин, тез орада оролдаги қалъа мудофааси ҳам заифлашди. Шунда Темур Малик 70 та кемача тайёрлатиб, тунгги вақтда аскарлари, қурол яроғлар ва озиқ-овқатларини юклатиб дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Дарёнинг иккала қирғоғи бўйлаб душманнинг отлик жангчилари таъкиб қилишиб, ўқ-ёйларидан ва нефтга ботирилган идишларни ёққан ҳолда кемадагиларга улоқтиришди. Бунга жавобан Темур Маликнинг жангчилари ҳам бор ўқ-ёйларни душман томон отиб тугатишиб, Жендгача сўзиб келишди. Бу ерда Мўғуллар лашкарбошиларида Журжи дарё устига вақтинчалик сузиб юрадиган кўприк (понтон) яссатириб, унинг устига баллиста қуролларини ўрнатишни буюрганди. Бу орада Темур Малик тунгги жангдан қолган бир нечта одами билан дарё қирғоғи бўйида тушиб, Мўғуллар таъкибидан қутулиш учун

Қизил кум чўллари томонга қочади, аммо таъкиб вақтида қолган жангчилар ҳам ўлдирилиб, Темур Маликни бир ўзи учта ўқ-ёй билан душманга қарши қурашини давом эттиради. Темур Малик ўқдонидан битта ўқни олиб, таъкиб қилаётган мўғул жангчиларидан бирини кўзини кўр қилади, ва қолган иккита мўғулга қараб, “келавер мана иккита ўқим бор, иккалангга етади, агар ўлишни ҳохлмасанг ортингга қайт”, дейди. Мўғул жангчилари Темур Маликдан кўрқишиб, ортларига қайтиб кетишади. Шу билан Темур Малик Хоразмга етиб олади[13;С.71-73]. 1220 йилнинг май ойида деярли бутун Ўрта Осиё, Амударё бўйларигача бўлган ҳудудлар мўғул босқинчилари назоратида эди. Хоразмшоҳ томонидан ташлаб кетилган шаҳар ва гарнизонлар ҳаммаси босқинчилар томонидан яқсон этилганди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Мўғул босқинчиларига ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмасдан, Амударё қирғоғида жойлашган Келифда ҳаракатсиз ночор ҳолда эди. Мўғулларнинг яқинлашиб келаётганидан кўрқиб Муҳаммад Хоразмшоҳ, баҳона қилиб, янги қўшин тўплаш мақсадида Эрон томонга қараб қочади. Хоразмшоҳнинг изидан уни қувиб етиш учун Жэбэ ва Субэдэ бошчилик қўшин жўнатилади, аммо улар Муҳаммадга етаолмайдилар. Аммо Хоразмшоҳ Муҳаммад қўшин тўплаш мақсадида қилган ҳамма ҳаракатлари саробга айлангач, кўрқувдан ўз жонини сақлаш учун ўзига пана жой ахтара бошлайди. Катта уғли Жалолиддин хамроҳлигида Каспий денгизининг жанубий-шарқий қирғоқлари бўйидаги чўл зонасида бир нечта ўзига яқин инсонлари билан беркинишга улгуради ва ўша ерда умрининг то охириг кунига қадар яшаб, 1220 йилнинг декабрь ойида ўпкасини шамоллатиб вафот этади.

Бундан бир неча ойлар илгари 1220 йилнинг ёзида Туркон хотин ва унга тегишли аёнлар аҳли Мазандарандаги қалъага мўғул босқинчиларидан яшириниб, яхшилаб ўрнашиб олишган эди. Аммо тез орада сувни танқислиги[14] боис ушбу қалъа ҳам Мўғуллар томонидан ишғол қилиниб, Туркан хотин ва унинг аёнларини, ҳамда Султон Муҳаммаднинг харамларини

асирга туширишиб, Мўғулистонга жўнатишади. 1220 йилнинг кўзида мўғуллар Тулун бошчилигида Марв, Тус, Нишопур, Балх ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларини бирин-кетин забт этади.

Ушбу шаҳарларнинг ҳаммасида “оммавий қатл”[15] ижро этилади. 1220 йилнинг ёзини Чингизхон Насаф атрофида кўчманчилар ўтовида ўтказади. Куз ойида эса, Чингизхон Термизни ишғол қилди, аҳолисини эса қиличдан ўтказади[16;С.102]. 1220-1221 йилларнинг қиш ойида Чингизхон Амударё қирғоқларида эди.

Қиш ойларида Чингизхоннинг кичик ўғли Тулу ўзига тегишли қўшиннинг асосий кучини Ўтрордан тўғри (Қизилқум хозирги) чўлидан Бухоро томонга йўналтиради. Йўлдаги Зернук ва Нур шаҳарчалари ҳам забт этилди. Аҳолисининг кўпчилик қисми тирик қолдириши, Зернук шаҳарчасидаги ёш йигитларни “тўда”да фойдаланишга (бу тўда асосан шаҳарларни забт этишда қўшиндан олдинги сафда қалқон сифатида ишлатилган) қолдиришган. Нур шаҳарчасини эса вайрон қилиб, халқини очик далага ҳайдаб чиқишган ва улардан кимки, 1500 динордан ўлпон тўласа ҳамда аёлари эса қулоқларидаги кумуш сирға тақинчоқларини шу нархнинг ярим баҳосига хисоблаб беришган[17;С.76-79]. Ушбу тўловлар

амалга оширилгач, яшаш жойларига қайтишга рухсат берилган.

Ибн-ал-Асир ва Жўзжонилар томонидан берилган маълумотларга кўра, Чингизхон Бухоро қалъа девори олдида қутулмаганда 1220 йилнинг февраль ёки март ойларида пайдо бўлган. Бухоро гарнизонини ҳимоясига Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан қолдирилган Кўкхон (Турк-кўчманчилари) жангчиларини маълум бир қисми билан Хоразмга қараб қочади ва Хоразмшоҳ қўшинларига бориб қўшилади[18;С.80]. Гарнизонда қолган жангчилар учта хон бошчилигида ва шаҳар аҳолисининг бир қисми ўша куннинг ўзида кечқурун шаҳарни ташлаб, қочишмоқчи бўлишади. Уларни Амударё бўйида кутиб турган мўғуллар кириб ташлайди, эртаси кун шаҳарда қолган рухонийлар ва зодагонлар шаҳар дарвозасини очишиб, Чингизхонни кутиб олишади.

Мўғулар мадраса ва масжидларга бостириб кириши Куръонни сура ва оятлари битилган варақларини мадраса ҳовлисида сочиб оёқ остига ташлаб масҳара қилишади ҳамда муқаддас китоблар сақланган сандикларни бўшатишиб, улардан отларига ем берадиган жом сифатида фойдаланишиб, Ислом динини таҳқирлашади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Бартольд В.В. полагает, что караван был отправлен Чингисханом одновременно с посольством. Нам представляется невероятным, что – бы Чингисхан решился послать караван до возвращения послов сообщивших о согласии хорезмшаха на мир.
2. Ибн ал-Асир, Ал-Камиль фи-т-тарих, т. XII, стр. 237; СМЗО, т. I, стр.5; Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. I, стр. 60-61.
3. Нисавӣ, Сӣрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 34, франц. Пер., стр.59; перс. версия, стр. 50-51. Об обвинениях людей каравана в шпионаже упоминает также Джузджани, стр. 337.
4. Нисави, говоря о Теркен-хатун, прибавляет: “Да проклянет её бог” “Сӣрат ас-султан”, араб. Текст, стр. 38, франц. Пер., стр. 66; перс. версия, стр. 57.
5. Muhammed Ibn Qaisar – Raz I, Kitab al-mujam..., ed. E.G. Browne, Leiden – London, 1910, -GMS, XI, стр. 3 перс. текст.
6. Т.е. прибывшего в Монголию каравана среднеазиатских купцов во главе с Ахмедом Ходженди.
7. Т.е. своим вассалам – военачальникам, бывшим в то же время главами монгольских племен или их колен.
8. Золотой балыш = 300 динарам. См. В. В. Бартольд, Туркестан..., стр. 541, прим. 2.
9. Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. I, стр. 60.
10. Нисавӣ, Сӣрат ас-султан..., араб. Текст, стр. 34, франц. Пер., стр.60; перс. версия, стр.52.

11. Нисавӣ, Сӣрат ас-султан, араб. Текст, стр. 54; франц. Пер., стр. 96; перс, версия, стр. 82.
12. Бенакет. Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. 1, стр. 70-71.
13. Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. 1, стр. 71-73.
14. Согласно Нисави “Сӣрат ас-султан...,” араб. Текст, стр. 46; франц. Пер., стр. 88; перс. версия, стр. 58-59 за необычной для климата Мазандарана засухи В течение четырех месяцев не было дождя; по Джувеини “Тарих-и джахангушай”, т. II, стр. 198-199 в крепости 10-15 дней не было воды; оба автора пишут, что тотчас после сдачи пошел дождь. О судьбе Теркен см. Также: Ибн ал-Асир, Ал-Камиль фи-т-тарих, стр. 243; СМАЗО, т. 1, стр. 13-14.
15. Подробные рассказы см. У Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. 1, стр. 117-140. О разорении Хорасана см. Также у Сейфи “Тарих-наме-йи Херат”, стр. 83-90); по словам Сейфи, старики со слов очевидцев передавали, что там не было “ни людей, ни хлеба, ни продовольствия и пищи” тже, стр. 83 и что “от пределов Балха до Дамган целый год люди постоянно ули человеческое, мясо, собак и кошек, ибо чингисхановцы сожгли все продовольственные амбары” стр.87
16. Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. 1, стр. 102.
17. Джувеини, Тарих-и джахангушай, т. 1. Стр. 76-79.
18. Джувеини передает слух, что Кок-хан был монгол, ранее бежавший от Чингисхана и перешедший на службу к хорезмшаху “Тарих-и джахангушай”, стр. 80.

ЎЗБЕК ХОТИН ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ХАЁТДАГИ ИШТИРОКИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАР (XX АСРНИНГ 50-70 ЙИЛЛАРИ)

Гулноза Болтаева,

Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Маълумки, урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларидаги энг оғир юмушлар ҳам асосан, аёллар зиммасида бўлди. Ушбу мақолада XX асрнинг 50-70 йилларида Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштироки ҳамда уларнинг турмуш тарзидаги муаммолар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: хотин қизлар, ижтимоий- иқтисодий, ишлаб чиқариш, давлат, партия, депутат, муаммо, камситилиш, кўп болалилик, саломатлик.

Аннотация: Известно, что наиболее тяжелые задачи в годы послевоенного восстановления и развития народного хозяйства выполняли преимущественно женщины. В данной статье анализируются участие женщин в социально-экономической жизни Узбекистана в 50-70-е годы 20 века и проблемы в их образе жизни.

Ключевые слова: женщины, социально-экономические, производство, государство, партия, депутат, проблема, дискриминация, многодетность, здоровье.

Abstract: It is known that the heaviest tasks in the years of post-war reconstruction and development of the national economy were mainly carried out by women. In this article, the participation of women in the socio-economic life of Uzbekistan in the 50-70s of the 20th century and the problems in their lifestyle are analyzed.

Key words: women, socio-economic, production, state, party, deputy, problem, discrimination, multiple children, health.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан сиёсат бутун совет давлатида бўлганидек, икки ёқлама хусусиятга эга бўлиб қолаверди: бир томондан, давлат хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини эълон қилар ва уларнинг ишлаб чиқаришда ҳамда жамият